




journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАБАҚАЛАНИШИ

З.М. Қодиров

катта ўқитувчи,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Е-маил манзили: z.m.kodirov@mail.ru

Калит сўзлар: тирнек, салжуқий, турклар, араблар, бей, кўчманчилар, шаҳарликлар ва шаҳар ҳаёти.

Аннотация: Ушбу мақолада Салжуқийлар даври ижтимоий-иктисодий ҳайоти, аҳолининг табакаланиши, уларнинг асосий машғулотлари хақида фикр юритилган.

SOCIAL STRATIFICATION OF THE POPULATION DURING THE SELJUK PERIOD

Z.M. Kadyrov

senior teacher,
Tashkent State University of Oriental Studies,
E-mail adress: z.m.kodirov@mail.ru

Key words: Tirnek, Seljuk, Turks, Arabs, Bey, nomads, townspeople and city life.

Abstract: This article discusses the socio-economic life of the Seljuks, the stratification of the population, and their main occupations.

СОЦИАЛЬНОЕ РАССЛОЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ В СЕЛЬДЖУКСКИЙ ПЕРИОД

З.М.Кадыров

старший преподаватель,
Ташкентский государственный университет востоковедения,
Электронная почта: z.m.kodirov@mail.ru

Ключевые слова: тырнек, сельджуки, тюрки, арабы, бей, кочевники, горожане и городская жизнь.

Аннотация: В данной статье рассматривается социально-экономическая жизнь сельджуков, расслоение населения, их основные занятия.

Маҳмуд Қошғарий Девонида миллат сўзи ўрнига будун сўзи қўлланилган. Салжуқий будуни деганда, бир неча унга тобе миллатлар эмас, турклар тушунилади.

Тарихда бир пайтнинг ўзида давлат ташкил қилган бир неча турк будуни бўлганлигини айтишимиз мумкин. Масалан, Қорахонийлар бир будун бўлган бир пайтда, Салжуқийлар ҳам будун бўлиш йўлида эдилар ва шу билан бирга, Ғазнавийлар ҳам будун эгаси сифатида давлат ташкил этганлар. Будун ишлари муҳокама қилинадиган мажлис “тирнек” деб аталган. Будун яшаган ҳудуд душмандан ҳимояланган юрт бўлиб, қалъалар, шаҳар деворларининг ичкариси уруш пайтида паноҳ топадиган жойлар ҳисобланган. Будун кўпинча бундай таҳликали ва уруш ҳаётига тайёр ҳолатда бўлган.¹ Бу эса турк будуни феълининг чақон ва ҳаракатчан бўлишини таъминлаган.

Қабила будундан кичикроқ бўлган миллат унсури ҳисобланиб, Қошғарийнинг қайдларидан турк будуни 24 қабила бўлганлигини билиб оламиз. Уларга “батин” номи ҳам берилган.² Салжуқийлар мазкур қабилаларни жамлаган бошқарув ташкилотини тузганлар. Баъзи қабилалар катта ва давлат эгаси бўлган будун ҳолатига эришган бўлса, баъзилари қабила даражасида қолиб кетганлар. Бошқача айтганда, қабилачиликдан давлатчиликка кўтарила олмаганлар.

Турк маданиятида исломиятдан олдин мавжуд бўлган хусусиятлардан ҳисобланган ватан севгиси Салжуқийлар замонида ҳам кузатилади. Ал-Жохиз таъбири билан айтганда “Турклар араблардан бошқа миллатлар ичida ватан севгиси масаласида бошқа миллатлардан анча хассос ва анча қадимий” анъанага эгадирлар.³

Салжуқийлар даврида турк ҳалқи асосан икки табакадан ташкил топган эди. Бейлар ва қора будун. Яъни бошқарувчилар ва бошқарилувчилардан иборат эди. Шунингдек, бейлар ўзаро катта бейлар ва кичик бейларга, ҳалқ эса хунармандлар, фақирлар ва ишсизлар каби турли табақаларга бўлинган. Катта Салжуқий бейларига нисбатан каттадан кичикка қараб қуидаги сифатлар қўлланилган: Ҳоқон ва Хон, Юғруш (вазир), Ябғу (вакил), Инал, Тархон, кичик бей ва маъмурларга нисбатан бирор тақсимот қилиш мушкул, лекин диздор, шиҳна, омил ва таҳсилдор каби мансабдорлар бор эди.

Бундан ташқари, “тариқчилар”, “нонвойлар”, “қассоблар”, “қўй соғувчилар”, куллар ва чўри аёллар (жориялар) ҳам бор эди. Шароб сотишни касб қилиб олганлар “тимчи”, тикувчилар “йичи”, этикдўзлар “этикчи”, чармгарлар (тери ошловчи), курол-яроғ ва темирга ишлов берувчилар “темирчи”, ўқ ясовчи усталар “ўқчи”, ёй ясаш иши билан шуғулланувчилар “курғувчи” деб аталган. От чопувчи кишилар “от ҳайдовчи”, кичик ўрмон ва аҳоли турар жойи қўриқчилари “қўриқчи” деб аталган. Дори-дармон тайёрловчи ва ҳалқка тарқатувчиларга “эмчи” номи берилган. Хунармандлар орасида идиш-товоқ ясаш иши билан шуғулланувчи кишилар “оёқчи”, мато тўқувчилар “қўзак” деб номланган.⁴ Салжуқийлар даврида тижорат билан шуғулланган алоҳида бозорчилар синфи юзага келганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Салжуқийларда давлат хазинасидан фойдаланадиган табақа вакилларидан ташқари барча одамлар раият деб номланган. Улар солиқларни тўлашга, давлат ҳокимияти ва унинг вакили бўлганларга бўйсунишга мажбур эдилар. Раият учун расмий равишда тан олинган мазҳаб ва тариқатлардан бошқа диний гуруҳларга қўшилиш, турли қонунлар қабул қилиш ва тартибни бузиш оғир жиноят ҳисобланган. Бошқа томондан, ҳукмдор ҳам раиятнинг ҳаёти, мол-мулки ва шарафини ҳимоя қилишга мажбур эди. Кўплаб расмий ҳужжатларга кўра, раият ҳукмдорга Аллоҳнинг омонати эканлиги таъкидланган. Шу билан бирга мутасаддилар ва амирлардан уларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишлари ҳамда уларга нисбатан адолатсиз талаблар қўймасликлари талаб қилинган.⁵ Ушбу жуда катта омма ичida бир-биридан сиёсий ва ҳукукий жиҳатидан фарқ

¹ Ibn Fadlan, Oğuzlar Bahsi, s.38-45; El-Cahız, s.75

² Köymen, Alp Arslan ve Zamanı, s.303-304

³ El-Cahız, s.78

⁴ Kaşgarlı Mahmut, Divanü Lügati't-Türk, Çev: B. Atalay, Ankara, 2006; R.Genç, Kaşgarlı Mahmut'a Göre XI. Yüzyılda Türk Dünyası, Ankara, 1997, s.311-313

⁵ Muntajabuddin Bediy, Atabat ul-kataba (nshr, Muhammad Qazviniy – Abbas Iqbol), Tehron 1329 hsh., 20, 23-24, 29, 41, 56-betlar.

қилмайдиган иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан турли синфлар мавжуд эди. Буюк Салжуқийлар давлати учта йирик ижтимоий қатламдан иборат эди.

1. Кўчманчилар. Оммавий равища Жайхун дарёсидан ўтиб Эрон ҳудудларига кирган туркларнинг катта бир қисми Ўғуз қавмига мансуб кўчманчи қабилалар эди. Эҳтимол, Онадўлида XIV асрнинг бошларида тайёрланган аноним Ўғуз лугатида турк сўзи “қишлоқи, кўчманчи, қишлоқ одами, чодирда яшовчи одам” ва турклик сўзи “қишлоқлик, қишлоқ ҳаёти, чодир ҳаёти” маъносида қўлланилгани эътиборга лойиқдир.⁶ Уларнинг сони оз бўлса ҳам, қарлуқ, уйғур ва кипчоқ каби бошқа турк қабилалари ўғузлар билан бирга Эрон ҳудудларига киришди. Кўчманчилар қабилаларга бўлинган. Қабилаларнинг давлат билан муносабатлари ва улар тўлаган соликларнинг моҳияти ва миқдори бир-биридан фарқли эди. Чорвачилик билан шуғулланган кўчманчилар фойдаланган яйловлари учун давлатга маҳсус яйлов соликларини тўлашган. У қабилалар устидан назорат ва тартибни сақлаш учун масъул этиб бир давлат одами тайинланарди.⁷

Кўчманчи турклар Хуросоннинг шарқида ва шимолида, Элбрус тоғларининг жанубий этакларида, Ироқи Ажамнинг шимоли-ғарбий қисмида ва Озарбайжонда тўпландилар. Бу ерлар Эрон ҳудудидаги ҳаёт тарзи учун энг мос жойлар эди. Энг мухим бойликлари қўй ва от сурувлари эди. Бир арман манбасига кўра, Салжуқийларнинг жанговар отлари қаттиқ туёқлари ва бургутдек тезкорлиги билан ҳайратга соларди. Шунингдек, кўчманчилар икки ўркачли туяларни ҳам боқищани маълум. Абулфазл Мұхаммад ибн Ҳусайн Байҳақийнинг туркманларни “туя чўпонлари” деб аташи, уларнинг бойликлари орасида туж мухим ўрин тутишини кўрсатади. Кўчманчиларнинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари гўшт, сут ва жун эди. Кигиз, жун кийим ва гилам каби буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган жун мухим савдо маҳсулоти сифатида қадрланарди. Чорвачиликдан ташқари, овчилик ҳам кўчманчилар хўжалигида маълум ўринни эгаллаган.

Салжуқийларнинг ҳарбий ютуқлари янги туркман қабилаларининг Эрон ҳудудига кириб келишига замин яратган бўлса-да, уларнинг оммавий равища бу ҳудудларга кириб келишлари қишлоқ ва шаҳар ҳаётига катта зарар етказди. Салжуқийлар даври шоири Амъаки Бухорий Султон Алпарслонга ёзган мақтovларида Эроннинг туркманлар томонидан ҳароб қилинганлигига эътибор қаратиб, мамлакатни шоҳ томонидан қайта тикланётганини таъкидлаган.⁸ Салжуқий султонлари туркман қабилаларини Хуросон шарқида ушлаб туриш ёки уларни шаҳар маданиятига энг кам зарар етказадиган ҳолатда Озарбайжон орқали Византияга юборишга ҳаракат қилдилар. Салжуқийларнинг ўтрок Эрон маданиятини ҳимоя қилиш мақсадида кўчманчи қавмдошларига қарши туришлари, туркманларни бироз вакт ўтиши билан Салжуқийлар давлатига қарши туришига олиб келди ва Султон Санжар даврида ўғузлар кўзғолони ҳамда кейинчалик Хуросоннинг таназзулга учрашида мухим рол ўйнади.⁹ Бошқа томондан, Низомулмulkнинг Сиёсатномасидаги баъзи қайдларда ҳам туркманлар ҳис қилган ноқулайликни очиб беради. Ундан ташқари, туркманларнинг ғарбга йўналтирилганлиги уларга Озарбайжон ва Онадўлида тўпланишга ёрдам берди ва уларга янги ватан эшикларини очди.

Турклар ҳаёт тарзининг асосини чорвачилик ташкил қиласди. Бу борада, уларнинг энг асосий мақсадлари подаларининг ўтлоқ ва озуқа эҳтиёжини қондирувчи масканлар ахтариш эди. Бундай ҳаёт тарзи дехқончилик қилаётганларга тўғри келмасди. Жаҳизнинг таъкидлашича туркларнинг ўтрок ва кўчманчи тарзда яшаётганлари орасида катта бир тил ва маданий бирлик хусусияти мавжуд эди.

⁶ *Eski Oğuzca Sözlük: Bahşayış Lügati* (haz. Fikret Turan), İstanbul 2001, s. 105, 169.

⁷ Muntajabuddin Bediy, Atabat ul-kataba (nshr, Muhammad Qazviniy – Abbas Iqbol), Tehron 1329 hsh., 80-82, 84-85-betlar.

⁸ Am‘ak-i Buhârî, *Dîvân* (nşr. Saîd-i Nefîsî), Tahran, ts., s. 188.

⁹ Enverî, *Dîvân* (nşr. M. Takî Müderris-i Razavî), Tahran 1337-40 hsh., I, s. 201- 205; Hâkânî-yî Şîrvânî, *Dîvân* (nşr. Cihangîr Mansûr), Tahran 1375 hsh., s. 105-107, 179-180.

Турклар ҳайвонларни қўлга ўргатишида моҳир эдилар. Жаҳизнинг билдиришича, “бир қанча ов ҳайвонларини қўлга ўргатиб, хатто ёввойи қушларни ҳам боқишар эди”. Отларга “хошт”, урғочи таяга “оҳҳ”, эркак таяга “ихҳ”, қулон ва эшшакларга “дех, чуш” дейилганда ҳайвонлар бу амрларга қулоқ бериб, итоат этишар эди. Турк ўз отини ўзи боқиб ҳали тойлигидан исм бериб, тарбиялар эди.

Ҳайвонлардан асосан қўй, эчки, сигир, от, тая ва қушлар бокилар эди. Жонли ҳайвонларнинг сотуви асосий даромад манбаи бўлган. Давлатга солиқ тўланиши билан бирга, бундай фаолият тури урушларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўла оларди.

2. Қишлоқ аҳолиси. Қишлоқ аҳолиси ва дехқонлар Салжуқийлар жамиятида аҳолининг энг катта қисмини ташкил қиласди. Буюк Салжуқийлар хукмронлиги даврида Хуросон ва Марказий Эрон худудларига кўчманчи туркий қабилаларнинг кўчиб келишига шароит яратилиши, бу худудлардаги зироатчилик билан шуғулланган дехқонларга салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек Салжуқий-Ғазнавий урушлари ҳам Хуросондаги қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Байҳақийнинг таъкидлашича, Байҳақ ва унинг атрофидаги писта дараҳтлари яхши ёнғанлиги сабабли қиши мавсумида фойдаланиш учун ғазнавийлар қўмондони амир Хожиб Субоши томонидан таяларга юклangan ва Ғазна шахрига олиб кетилган.¹⁰ Мамлакатда сиёсий барқарорлик ўрнатилгандан ва иқто тизими жорий қилингандан сўнг қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитлари нисбатан яхшиланди. Дехқонларнинг хуқуқий ва иқтисодий ҳолатлари, уларнинг географик жойлашувига кўра сезиларли даражада бир-биридан фарқ қиласди. Салжуқийларгача қишлоқларда катта ерларга эгалик қилган ва “дехқон” деб ном олган бой одамлар ўзларининг имтиёзларини сақлаб қолишган. Қишлоқ аҳолисининг катта қисмини ерсиз кунлик ишчилар, улуш эгалари ёки майда ер эгалари ташкил этарди.

Ерлар хирожий, ушрий ва мирий каби турларга бўлинган. Ҳазинага тегишли бўлган ва иқто тарзида бошқарилган мирий ерлари Низомулмулк даврида тугатилиб, отлик қўшинларга тегишли ерларга айлантирилди. Ушбу тизимда ер ва унда ишлайдиган одамлар аввалгидек давлат назорати остида эди. Ерга ишлов берадиган киши ерга фақат вақтингчалик эгалик хуқуқини берувчи хужжат ва фақат ишлов бериш шарти билан эгалик қила оларди. Бу ерлар унинг вафотидан кейин фақат эркак авлодига мерос бўлиб ўтган. Дехқон ердан олган маҳсулоти учун солиқни иқто эгасига, ёки вақфга берилган бўлса, тегишли вақф фондига тўлаган. Амирларга ва таниқли кишиларга тегишли бўлган иқто фақат тегишли хизматлари эвазига берилган ва иқто эгаси хизматдан бўшатилгандан, иқто олиб қўйилган. Ҳукмдор вафот этганида ёки ўзгарганда, барча иқтоларнинг гувоҳномалари янги ҳукмдор томонидан янгиланган. Ерга боғланган одамлар шаҳар аҳолиси сингари қонуний равишда озод эдилар. Иқтолар эгалари халқдан маълум микдордаги солиқдан ортигини талаб қила олмаганлар. Халқ ҳар доим султонга ёки буюк девонга мурожаат қилиши мумкин эди. Иқто эгаси қонунларга бўйсунмаган ҳолларда, унинг иқтоси олиб қўйилган. Салжуқийлар солиқ тизимининг асосини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олинадиган солиқлар ташкил этарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида янги тармоқларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ишлаши янги қишлоқ хўжалиги қонуни пайдо бўлишига олиб келди. Хуросон ва Йроқдаги олимлар маҳаллий урф-одатлар ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида қайта туздилар, шу тариқа ушбу соҳада узоқ вақтгача амал қиласидиган янги қонун яратилди.

Дехқончилик қадимги даврлардан бошлаб ривожланган сугориш тизимида асосланиб ташкил этилган. Дарёлар каналларга бўлинган ва ҳар бир дарёдан максимал даражада фойдаланилган. Султон Маликшоҳ ва Санжар даврида Йроқ, Хуросон ва Хоразмда янги сугориш каналлари очилди. Маълумотларга кўра, Марв ва унинг атрофидаги сувларни тартибга солишга масъул бўлган миробнинг кўл остида 12000 киши ишлаган. Янги сугориш каналлари туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошди, ишлаб чиқаришнинг кўпайиши қишлоқлар ва шаҳарларнинг

¹⁰ Beyhakī, *Tārīḥ* (Behmenyâr), s. 273.

ўишига ва шаҳарларда тижорий ҳаётнинг ривожланишига ёрдам берди. Хуросонда, айниқса, Мурғоб канали томонидан суғориладиган Марв текисликларида етиштирилган маҳсулотлар миңтақада аҳоли сонининг кўпайишига олиб келди. Бу ерда етиштирилган пахта қишлоқ ва шаҳарларда тўқимачилик саноатининг ривожланишига туртки бўлди. Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришда Фарғона водийси ҳам муҳим ўрин тутган.

Дехқончилиқда ўтрок яшаш тарзи шарт бўлганлиги туфайли, кўчманчиларнинг бундай шароитга мослашуви имконсиз бўлганлиги таъкидланган. Дехқончилик билан шуғилланганларни Буюк Салжуқийлар даврида “Тарикчи” деб аташар эди. Дехқончилиқдан кўлга киритилган маҳсулотлар асосан буғдой, арпа, макка жўхори, беда, кунжут, пахта кабилар билан бирга мевалар, ўриқ, олхўри, олма, нок, қовун ва сабзавотлардан сабзи эди. Мевалар ташки бозорларга ҳам сотилганлиги маълум. Бунга қутилилган мевалар ва мева шарбатлари мисол бўлади. Салжуқийлар ўлкасининг энг муҳим дехқончилик ҳудудлари бу Маварауннаҳр ва айниқса Фарғона вилояти бўлган. Давлатнинг ғарб томон кенгайиши янги масканларнинг ҳам ўзлаштирилишига олиб келган. Бунга Хуросон, Хоразм ва Ироқ ҳудудлари мисол бўлади. Марв текисликларида очилган сув каналлари ва Жайҳун дарёсининг сувлари ила суғорилган Маварауннаҳр текисликлари дехқончилиқнинг энг ривожланган масканлари эди.

3. Шаҳарликлар ва шаҳар ҳаёти. Салжуқийлар шаҳар маданияти ривожланган Хуросонда ўзларининг давлатларини, фақат ўтрок ҳаёт ва шаҳар маданиятига нисбатан ҳимоя муносабатини шакллантира олганларидан кейингина барпо эта олдилар. Салжуқийлар давлатининг биринчи сиёсий маркази Хуросоннинг энг муҳим шаҳри Нишопур эди. Ушбу даврда тахминан 1680 гектар майдонни эгаллаган Нишопур аҳолиси 110-220 минг орасида эди. Нишопур Тўғрул Бей даврида давлатнинг ғарб томон кенгайиш сиёсати натижасида ўз ўрнини Рай шаҳрига бўшатди ва Султон Маликшоҳ даврида пойтахт Райдан Исфаҳонга кўчирилди. Бу даврда Исфаҳон Салжуқийлар давлатининг энг йирик шаҳрига айланди. Султон Санжар Салжуқийлар таҳтига ўтирганидан сўнг, давлат маркази Марв шаҳрига кўчирилди, Исфаҳон эса бир мuddат Ироқ Салжуқийлар давлатининг пойтахти бўлиб қолди. Султон Санжар даврида Марв шаҳри Салжуқийлар маданий ҳаётининг энг муҳим маркази бўлган. Ушбу даврда ривожланишининг энг юқори даражасига етган Марв аҳолиси тахминан 150 минг кишини ташкил этган. Ушбу шаҳарлардан ташқари Ҳирот, Балх, Қазвин, Ҳамадон, Язд, Қум, Мароға, Бағдод, Ахваз ва Мосул йирик аҳоли пунктлари бўлган. Салжуқийларга бўйсунган давлатлар чегарасида бўлган Бухоро, Самарқанд, Ғазна, Дамашқ, Ҳалаб ва Урфа каби муҳим шаҳарларни буларга қўшиш мумкин.

Салжуқий шаҳарлари учта асосий қисмдан иборат эди: ички қалъа (кўҳандиз), асосий шаҳар (шаҳристон) ва ташки мавзелар (работ). Бозорлар ва савдо марказларининг аксарияти шаҳар марказида эмас, балки работда жойлашган. Катта шаҳарлардаги ҳар бир кўчада маълум бир савдогарлар гуруҳига ажратилган ёпиқ жойлардан иборат йирик бозорлар мавжуд эди. Шаҳарларда вақфлар, шифохоналар ва турар жойлар кенг тарқалган эди. Салжуқийлардан олдин йирик шаҳарларда маъмурий вазифалар ва бойлик имкониятлари билан катта куч ва таъсирга эга, келиб чиқиши эронлик ёки араб бўлган бой аристократ (таникли) оиласалар ташкил топган. Ушбу оиласалар фавқулодда вазиятларда шаҳар тақдирини белгилаб беришган. Мұхаммад ибн Ҳусайн ал-Байҳакий, Нишопурнинг таникли ва обрўли кишилари шаҳар аҳолисини Фазнавийларга қарши Салжуқийлар хукмронлигини қабул қилишга унданлигини тушуниради.¹¹ Шаҳар ва қишлоқларда мулкка эгалик қилган ва бир-бири билан қариндошлиқ алоқаларини ўрнатган бу оиласалар Салжуқийлар даврида ўзларининг мустаҳкам мавқеларини сақлаб қолишга муваффақ бўлишиди. Бу даврда шаҳар зодагонларига янги оиласалар қўшилди, масалан Исфаҳонда шофийлар учун йўлбошчи бўлган Хўжандий, Нишопурда ҳанафийларга йўлбошчи бўлган Саидий ва Бухорода катта мавқега эга бўлган Али Бурҳон оиласалари. Ушбу оиласалардан

¹¹ Beyhakī, *Tārīḥ* (Behmenyâr), s. 728.

жуда камчилигининг келиб чиқиши туркийлардан бўлган. Петрушевский томонидан олиб борилган тадқиқот, XII аср ўрталарида Хурросоннинг Сабзавор шаҳридаги қирқ битта зодагон оиласидан йигирма тўрттаси араб, ўн иккитаси эронлик ва фақат битта оила туркийлардан эканлигини тасдиқлади. Худди шундай натижани Буллиетнинг Нишопур шаҳрига оид тадқиқотида ҳам қўриш мумкин. Ушбу оиласидан башка Салжуқийлар марказий ҳокимиятининг заифлашиши билан сиёсий воқеаларда ҳал қилувчи кучга айланди. Маъмурий, илмий ва хуқуқий вазифалар, одатда, сулолавий ўзгаришлардан кейин ўз мавқеларини сақлаб туришга қодир бўлган зодагонлар оиласидан қўлида эди. Бу ҳолат шаҳар маъмуриятида ўз сўзига эга бўлган ва сиёсий ҳокимият заифлашган вақтларда хукмронлигини сиёсийлаштирган бошлиқлар учун ҳам тегишли эди.

Йирик шаҳарларда хорижий давлатлар билан катта микдордаги савдо-сотиқни амалга оширадиган бой ва нуфузли савдогарлар синфи шаклланди. Баъзи давлат одамлари ва сулола вакиллари ўз пулларини савдогарларга фойдаланиш учун беришган. Гарчи улар жуда ажойиб ҳаёт кечирган ва катта кучга эга бўлган бўлса-да, савдогарларга давлат протоколида деярли жой йўқ эди. Ўрта ва кичик тижорат билан шуғулланган савдогарлар, ўрта ва кичик дўкон эгалари ҳамда ҳунармандлар оммаси шаҳарларда алоҳида-алоҳида уюшма сифатида ташкил этилган. Ҳунармандчилик шаҳар иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Чинничилик, темирчилик, бўёқ саноати ва қофоз ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Тўқимачилик дастгоҳлари, темир печлар, терини қайта ишлаш устахоналари, қофоз фабрикалари, чинни ва шиша каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган печлар ва ишлаб чиқариш цехлари бутун мамлакатга тарқалди. Пахта ва ипак тўқиши шаҳарларда энг даромадли соҳага айланди. Хусусан, Хурросон ва Мовароуннахрнинг пахта ва жун матолари бу даврда машҳур бўлиб, улар экспорт қилинарди.

Шаҳарларда камбағаллар, ишсизлар ва дайдиларнинг катта гурухлари ҳам учарди. Ўзаро маҳсус бир ташкилот тузган бу гурухлар, иложи борича муаммолар чиқаришдан қайтмас эди. Ундан ташқари, ички курашлар ва тасодифий хужумлар пайтида, бу гурухлардан баъзан ёлланма аскарлар сифатида фойдаланишган. Булар XII асрда Ҳиротда “ринд”, Тус каби баъзи бошқа Хурросон шаҳарларида “айёр” деб номланган. Маълумки, ўрта аср ислом дунёсида “шуттар” ва “фитян” каби номлар беришган.

Салжуқий шаҳарлари диний фаолият жиҳатидан жуда фаол эди. Одамлар, одатда, ўз динларига ва баъзан ҳатто мазҳабига кўра ҳар-хил маҳаллаларда яшардилар. Сунний ислом мазҳабларидан ташқари XI аср охирларида Эронда ўз фаолиятини кучайтирган Исмоилийлар Салжуқийлар сулоласи вакиллари ўртасидаги таҳт курашларидан фойдаланиб, катта шаҳарларда яхшигина куч тўпладилар. Захириддин Нишопурин ва Ровандийнинг хабар беришича, Исмоилийларнинг тарғиботи натижасида биргина Исфаҳонда ушбу мазҳабга кирганлар сони 30 мингга етган. Салжуқий шаҳарларида мусулмонлардан ташқари маъжусий, насроний ва яхудийлар ўзларининг муҳим диний гурухларини ташкил этган эдилар.

Катта шаҳарларда ғалаба тантаналари пайтида ва хукмдорларнинг таҳтга ўтириш маросимида чорсу ва бозорлар тўлдирилар, ҳар жойда ғалаба токлари қуриларди.¹² Диний байрамлардан ташқари, Наврӯз ва Мехрён ҳам ҳалқ орасида жонли равишда яшаб, катта тантаналар билан нишонланарди.¹³

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, Салжуқийлар даврида кенг худудда сиёсий барқарорликка эришиш, янги сув каналларини қуриш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва савдонинг ривожланиши туфайли иқтисодий ҳаёт юксак даражага кўтарилиди. Мовароуннахр, Хоразм, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Сурия ва Онадўлида савдо карвонлари хавфсиз ҳаракатланиши таъминланган. Шаҳарларда ишлаб чиқарилган товарлар савдо йўллари орқали кўплаб жойларга бемалол сотиларди. Карвонларнинг

¹² İbnü'l-Esîr, *el-Kâmil* (trc. Abdülkerim Özaydin), İstanbul 1987, X, 174.

¹³ Muhtârî, *Dîvân* (nşr. Rükneddin Hümâyûn Ferruh), Tahrان 1336 hş., s. 115-121, 284, 290, 309; Muizzî, *Dîvân* (nşr. Nâsır Heyyîrî), Tahrان 1362 hş., s. 623, 630.

хавфсизлиги одатда ҳарбий соқчилар томонидан таъминланган. Салжуқийлар томонидан савдо йўлларига берилган аҳамият, айниқса, Онадўлида анча ривожланган ва халқаро савдонинг ривожланишига ёрдам берган.

Салжуқийлар ҳукум сурган барча мамлакатларда умумий бир шаҳар ва маданият низоми ташкил этишган. Бу холат, Тўғрулбей давридан бошлаб, Онадўли Салжуқийлари даврида ривожланиб давом этган. Баъзи бир шахарларда халқаро бозорлар ҳам бўлган. Қайсари ва яқин атрофидаги Ябанли бозори бунга мисол бўлади. Тижоратнинг пойдевори бўлган ҳунармандлар, айниқса Анадолуда Ахийлик номи остида ташкил етила бошланди. Ахий ташкилоти ҳунармандларнинг барча ҳуқуқий масалаларини тартибга солар, уларнинг ривожланишини таъминлар, қолаверса, ижтимоий ёрдамлашув бирлиги сифатида вазифани бажаради.

Ўрта Осиёда яшаган ўғузларнинг катта гуруҳи тарихий шароитлар хайриҳоҳлиги сабабли исломни қабул қилганлар ва борган сари ўз сиёсий қудратини ошириб бориб, XI асрда сulton Алп Арслон ва айниқса сulton Маликшоҳ даврида ўзининг энг гуллаб яшнаган даврини кечирган Буюк Салжуқийлар давлатига асос солганлар. Салжуқийлар давлати сиёсий хаёти, маъмурий-бошқарув ва ҳарбий тизимида туркий анъаналар билан бир қаторда Эрон ҳамда Кичик Осиё ҳалқларнинг анъаналари синтезини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, Салжуқийлар давлатининг пайдо бўлишидан бошлаб, токи тарих сахнасида ўз ўрнини бошқа давлатларга бўшатиб бергунига қадар кўчманчи туркий анъаналарнинг ўрни катта бўлганлиги кўриш мумкин.